

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ ИСЛОҲОТЛАР- ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Д. Муратова

Ташкент давлат транспорт университети доценти

Гулрух Тохир кизи Муминова

Ташкент давлат транспорт университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда бутун дунёда таълим сифатини оширишга қаратилган ишлар тобора жадаллашиб бормоқда. Негаки, жамият ривожини ва истиқболни кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ экан, албатта бунда таълим асосий роль ўйнашини эътиборга олиш лозимлигини англашга интилиш тенденцияси кучайди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда таълим сифати ва натижадорлигига эришиш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фалсафий моҳиятини англаш бўйича турли хил ёндашувлар кейинги ўн йилликларда фаоллашаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, когнитив таҳлил этишига қаратилган илмий тадқиқотлар кўп учрайди.

Калит сўзлар: олий таълим, таълим сифати, ислоҳот, ижтимоий тараққиёт, омиллар.

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган олий таълим тизими борасидаги ислоҳотлар пировард натижада олий таълим сифатини оширишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу эса ўз навбатида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва эътироф этилган намуналарга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва модернизация жараёнларини чуқурлаштиришда илғор замонавий технологиялар, инновацион таълим ва тарбия жараёнларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, таълим сифати тушунчаси 1998 йилда Париж шаҳрида олий таълим ва унинг сифатини янада такомиллаштириш тўғрисида ўтказилган Бутун дунё



Конференциясида ўзининг халқаро номини олган. Ушбу конференцияда 29 та давлат иштирокида таълимнинг сифатини таъминлаш таълим муассасаларининг узоқ вақтга мўлжалланган стратегик вазифи эканлиги таъкидланган эди .

Илмий фалсафий адабиётларда таълим сифати тушунчасининг фалсафий моҳиятини тушунтириб беришга қаратилган ягона ёндашув ҳам методология ҳам мавжуд эмас. Олий таълим тизими ва ундаги жараёнларни тадқиқ этувчи назарийчи файласуфлар ва амалиётчи мутахассисларнинг фикрига кўра, таълим сифати масаласида ягона таърифни келтириш жуда қийин масала ҳисобланади. Чунки унга таъсир этувчи бир қатор объектив ва субъектив омиллар борки, ягона таърифни келтиришга ҳалақит беради. Яъники, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хосликлари, миллатнинг менталитети, тарихий илдизлари, таълим тизимининг узоқ тарихдан бери шаклланаётган босқичлари, маданият ва цивилизациялар таъсири каби омиллар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаслиги барчамизга аён. Шунингдек, дунёда идеал ҳисобланган таълим тизими мавжуд эмаслигини инобатга олсак, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларни кундан кунга ривожланиши туфайли ҳаёт бизнинг олдимизга янги ва янги талабларни қўйиши “Таълим сифати” ни доимий равишда такомиллаштиришни тақозо этади. Янги кашфиёт ва ихтироларнинг пайдо бўлиши ҳам ҳатто, таълимда ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш эҳтиёжини юзага келтиради.

Таълим сифатини таъминлашнинг омиллари сирасига мутахассислар қуйидагиларни киритишади: а) таълим муассасалари; б) профессор-ўқитувчилар; в) талабалар, битирувчилар; г) ота – оналар; д) истеъмолчилар, кадрлар буюртмачилари. 1998 йилда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган олий таълимни Бутундунё конференциясида “XXI аср учун олий таълимнинг Бутун дунё декларацияси” қабул қилинди . Бу декларацияда таълимнинг сифати тушунчасига қуйидаги таъриф берилди: “Сифат - бу олий таълим соҳасидаги кўп тармоқли концепция бўлиб, у ўз ичига фаолиятнинг барча функцияларини ва турларини, ўқув ва академик дастурларни, илмий тадқиқотлар ва стипендияларни, таълим муассасаларини етук ва малакали кадрлар билан таъминлаш, ўз устида мунтазам мустақил ишлайдиган талабалар, бинолар, иншоотлар, моддий-техник база, қурилмалар ва жиҳозлар ва битирувчиларни иш билан таъминлашни ўз ичига оладиган тизим”. Агар олимларнинг фикрларига мурожаат қиладиган бўлсак, Джим Коллинз шундай таъкидлайди: “Буюк компанияларнинг раҳбарлари қайта ташкил этиш жараёнини ўз жамоасига керакли инсонларни олиш ва кераксиз инсонлардан қутилишдан бошлаган. Шундан сўнг

улар қайси томонга сузишни танлаганлар. Асосий ғоя барча нарсаларни кадрлар ҳал қилади, нима деган сўздан ким деган сўз муҳимроқдир. Чунки кадрлар бу стратегия, бу ташкилий тузилма, бу тактика. Компаниялар бугунги кунда янги сифат босқичига ўтиш учун ўз асосларини яратиши зарур. Менинг фикримча бу саволнинг фундаментал жавоби кадрлар масаласи ҳисобланади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Джим Коллинзнинг ушбу фикрлари бугунги кунда кадрлар тайёрлаш сифати таълим сифатига мувофиқ бўлиши лозим, деган сўз билан мос келади. Бунинг учун таълим муассасаларида инновацион фаолиятни олиб боришга қодир бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш лозим. Бир сўз билан айтганда кадрларни пухтароқ тайёрламасдан туриб, уларни кадрга етмасдан туриб бирор бир соҳада муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Замонавий жамиятда фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши олий таълим тизимига қуйидаги вазифаларни ечимини топишни юкламоқдаки, улар сирасига а) кадрларни сифатли ва кафолатли тайёрлаш; б) профессор-ўқитувчилар ва талабалар мобиллигини таъминлаш; г) олий таълим муассасалари фаолиятида таълим дастурларини баҳолаш таомилларини такомиллаштириш ва бошқа шу кабиларни критиш мумкин.

Мамлакатимизда олий таълим тизимини сифат босқичига кўтариш борасида сўнгги уч йиллик ичида бир қанча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга фаол жорий этиб келинмоқда. Ана шундай муҳим стратегик ҳужжатлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида белгиланган устувор вазифаларнинг фалсафий моҳияти ва мазмунига эътибор берсак, бунда Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш асосий мақсад сифатида белгиланганлигига гувоҳ бўламиз. Фармон мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни изчиллик асосида амалга ошириб бориш назарда тутилган. Яъни: “олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом

рақобат муҳитини яратиш; халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш; олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш” каби вазифалар шулар жумласидандир.

Айтиш мумкинки, фармонда белгиланган вазифаларни истиқболда амалиётга фаол тадбиқ этиш орқали олий таълим тизими сифатини ошириш билан бир қаторда, дунёда мамлакатимиз нуфузи ва обрўсининг ошишига ҳамда дунёнинг етакчи мамлакатлари тараққиёти даражасига эришиш учун хизмат қилиши шубҳасиздир. Шунингдек, фармонда назарда тутилган мамлакатимиз аҳолисининг олий таълимнинг қамров даражасини ошириш орқали фалсафанинг асосий қонунларидан бири “миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгариши”га ўтиш орқали сифатли кадрларни етиштиришни йўлга қўйиши ва кадрлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожланиши, пировард натижада сифатли кадрларга бўлган жамият эҳтиёжларини қондириш учун маълум маънода хизмат қилади.

Бунинг учун таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини жорий этиш орқали ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш ҳамда таълим сифатини янада яхшилашга эришиш лозим. Бу хусусда Президент Ш.М.Мирзиёв шундай кўрсатма берган: “...менинг назаримда, иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур: биринчи – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт;

- иккинчи – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ”-лозимлигини кўрсатиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Олий таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлида муҳим амалий қадамлар ташланди.

Психолог Т.В.Володинанинг таъкидлашича “Педагог касбий фаолияти-ни такомиллаштириши учун педагогик жараённи тизим сифатида идрок этиши лозим бўлади” . Демак, олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар сифати олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий фидоийлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни статистик маълумотлар асосида ўрганадиган бўлсак, етарлича ечимини кутаётган ижтимоий муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Агар 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра таҳлил қилсак, Олий таълим тизимида талабалар сонининг қамрови 9% ни ташкил этган, бу минтақавий ва халқаро стандартларга нисбатан паст бўлиб, Ўзбекистон таълим тизимининг бошланғич ва ўрта даражаларидаги вазиятдан кескин фарқ қилади (бу ерда мактаб ёшидаги аҳолининг деярли 100% қамраб олинган). Марказлаштирилган режалаш-тириш тизими олий ўқув юртларида (университет ва институтларда) талабалар сонини ҳам, уларнинг ўқиш соҳаларини ҳам белгилайди. Ҳар бир йўналишда олий ўқув юртларидаги жойлар сони давлат қарорлари билан белгиланади ва талабалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилган миллий тест синовлари натижалари асосида танланади. Ўрта таълим тизими деярли 100% ва олий таълим тизими 9% қамраб олинса, 10 та мактаб битирувчисидан 9 таси университетга кира олмайди, олий маълумотга талаб юқори ва университетларда тақдим этиладиган ҳар бир жой учун рақобат 6 кишидан ошган. Университетларга кираётган талабаларнинг 60 фоизини эркаклар ташкил этади (кейинги йилларда минтақадаги бошқа мамлакатлардан фарқли равишда университет-ларда аёллар улуши камайиб борган. Бунинг турли хил сабаблар бўлган). Бу каби масалалар кейинги уч йилликда қисман ўзгаришларни олиб келган бўлсада, ҳали тўла равишда халқаро стандартларга жавоб бера олмайди. Бунга сабаб қилиб бир қатор бюрократик тўсиқлар ҳалиям сақланиб қолаётганилигини кўрсатиш мумкин. 2019 йилдаги модернизациялар ҳам Ўзбекистонда олий маълумотли кадрлар етишмовчилиги мавжудлигини тўхтата олмади. Таъкидлаш жоизки, олий таълим тизимининг битирувчилари кўпинча ўз мутахассисликлари бўйича ишламайдилар (масалан, педагогика университетлари битирувчиларининг атиги 57 фоизи таълим соҳасида иш билан таъминланмоқдалар , қурилиш соҳасида эса қурилиш олий ўқув юртлари битирувчилари учун мўлжалланган барча лавозимларнинг тўртдан уч қисмини эгаллайди, қолган қисмини бошқа университетларнинг битирувчилари эгаллаган). Қамраб олишнинг паст даражаси ва иш берув-чилар, sanoat ва университетлар ўртасидаги



муносабатларнинг сустиги, шунингдек, иқтисодиётнинг инновациялар, технологияларни мослаштириш ва қўшимча қиймат яратиш имкониятларини чеклайди. Шубҳасиз, университетларни ўзгарувчан иқтисодиёт талабларига жавоб беришга тайёрлаш ва университет битирувчиларига талаб ва таклиф ўртасидаги тафовутни бартараф этиш учун кўп ишлар қилиниши керак.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон олий таълим тизимининг ички менежменти ҳақиқатдан ҳам бўлиниб кетган (буни халқаро мутахассислар ҳам таъкидлашган), шу билан бирга менежмент жараёнида иштирок этадиган кўплаб ташкилотларнинг мажбуриятлари такрорланмоқда. Масалан, Президент девони ҳузурида таълим сиёсатини ишлаб чиқиш учун масъул давлат маслаҳатчиси бошчилигидаги махсус бўлим мавжуд. Парламентда таълим сиёсати ишлаб чиқилишини назорат қилувчи ва уни амалга ошириш натижаларини таҳлил қилувчи махсус таълим қўмитаси мавжуд. Бош вазирнинг ўринбосарларидан бири таълимни ривож-лантириш билан боғлиқ масалалар учун масъулдир ва Вазирлар Маҳкамасида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш ва олий таълимни ривожлантиришни назорат қилувчи махсус бўлим (Ижтимоий комплекс) мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси бўлимга умумий раҳбарлик қилади ва давлат таълим стандартларини тасдиқлайди. Иқтисодиёт ва меҳнат вазирликлари меҳнат бозорини битирувчиларни етарлича таъминлаб бериш учун жавобгардир. Уларнинг прогнозларига биноан, Вазирлар Маҳкамаси томони-дан университетларга қабул квоталари белгиланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги университетларни бошқаради ва бошқа вазирликлар, масалан, университетларни давлат томонидан молиялаштириш вазифаси юклатилган Молия вазирлиги ва олий таълим соҳасида илмий ишлар бўйича стратегик тавсияларни бериш учун масъул бўлган Фанлар академияси билан алоқада воситачи бўлиб хизмат қилади. Яъниким, бу олий таълим тизимида уларнинг жавобгарлигини таъминлаш қийинлигидан далолат беради.

REFERENCES

1. Kadamovich, Y. J., Muzaffarova, I. G., Mahmudovich, Y. B., Boxtiyarova, S. S., & Xabibullayevich, S. S. (2020). Social justice as a condition of socio-spiritual stability in society. *Journal of Critical Reviews*, 7(5), 816-818.
2. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. Ў., Султанов, С. Х., Кушаков, Ф. А., Валиев, Л. А., & Хасанов, М. Н. (2022). ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ-



ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(9), 647-656.

3. Abdumannarova, M. D., & Juraeva, N. N. (2022). The role of social institutions in the development of young people. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 67-70.

4. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Назарова, Н. Ж. (2022). МЕДИАМАДАНИЯТ ВА АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3(6), 984-988.

5. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Валиев, Л. А. АУРОБИНДО ГҲОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ.

6. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Валиев, Л. А. (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИНИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2 (7), 78-82.

7. Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

8. Журабоев, Носир Юсупович, & Ҳасанов, Миршод Нўъмонович (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲА РИВОЖИ: ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚБОЛ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1274-1283.

9. У.К.Эрниёзов, М.Н. Ҳасанов, & Х.С.Машарипов. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 130–136.

10. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Л. А. Валиев (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИНИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2 (7), 78-82.

11. J. S. Ramatov, M. Hasanov AL-FAROBIIY SIYOSIY DAVRDAGI SIYOSIY VA IJTIMOIIY-MADANIY AHVOL // *Pedagogik fanlarda akademik tadqiqotlar*. 2022 yil. 6-son. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/al-farobiy-davridagi-siyosiy-vaziyat> (kirish sanasi: 17.10.2022).

12. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (6), 973-979.

13. З. Н. Бобошев, М.Н.Ҳасанов, & Э.А.Нуруллаев. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ АСОСЧИСИ СИФАТИДА. *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 108–115.

Retrieved from